

Кимки уйидан чиқаётганда...

08:20 / 14.01.2018 4042

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки уйидан чиқаётганда, «Бисмиллаҳи таваккалту ʔалаллоҳи вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» (яъни: «Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳдан ўзгада ўзгартириш ҳам, қувват ҳам йўқдир»), деса, «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва ҳимоя этилдинг», дейилади ва шайтон ундан узоқ бўлади», дедилар.

Абу Довуд, Термизий, Насай ва бошқалар ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Абу Довуд қуйидаги сўзни зиёда қилдилар:

“Шайтон бошқа шайтонга: “Ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва ҳимоя этилган киши хусусида фикринг қандай?”, деб айтади.